



# КАСАБА УОШМАЛАРИ

## Хоразм



**Хоразм** Амударёнинг қуйи қисмидаги қадимий воҳа. Воҳада Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти; Қорақалпоғистоннинг жануби-ғарбий қисми ҳамда Туркманistonнинг Тошхувуз вилоятининг шимоли-шарқий қисми жойлашган.

Шимолдан Қўнғирот кенлиги, ғарб ва жанубдан Устюрт платоси ва Қорақум чўллари, шарқда Қизилқум чўли билан чегарадош.

Воҳа шимол ва шимолий ғарб томон 300 км.дан зиёд масофага чўзилган. Эни чекка жануб қисмида (Туямўйин танглигида) 10-12 км, шимол қисмида 120-130 км, Султон Увайс тизмасининг ғарбий қисмида (Тахитов танглигида) 70-80 км. Туямўйин танглигидан шимолда Хоразм-Тошхувуз текислиги жойлашган.

Хозирги кунда Орол денгизи сатҳининг пайсайиши оқибатида ёзги ҳарорат ортиб, қиш совуқлашиб бормоқда. Энг қурғоқчил воҳалардан ҳисобланади.

Хоразм воҳасида 100 дан ортиқ қўл мавжуд. Тупроғи турлича тилда.

**Ислом КАРИМОВ:**  
Бугун Хоразм вилоятида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, кечагагимизнинг пойдеворини барпо этиш, ҳаётимизни янада обод қилиш йўлидаги асосий бунёдкорлар-мана шу юртининг заҳматкаш, кўпини кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган халқидир. Бу ишга ўзининг ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган ҳар бир юртдошимиздир.

**(Боши 1-бетда)**  
2005 йил якунига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу шартномалар орқали 12 мингдан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари, мингдан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар, 18 та кўшма корхоналарнинг ишчилари, жами 370 мингдан ортиқ меҳнаткашлар манфаатлари қамраб олинган. Касаба уюшмалари органлари томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш учун хўжалик органларидан 233 миллион 647 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилишига эришилди. Бу эса ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 60 минг

рйларига ва 315 нафар байналмилалчи жангчиларга жами 73 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.  
Вилоят, туман, шаҳар кўмиталари бошланғич ташкилотлари томонидан ўтган йил мобайнида иш ҳақидан қарадорликка йўл қўйган корхона раҳбарларига 88 та, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 2 та расмий тақдимнома киритилиб, 150477,7 минг сўм миқдоридида иш ҳақи ходимларга ундириб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV курултойи қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақ-

бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва тармоқ касаба уюшмалари ходимларидан иборат ташкил қилинган гуруҳлар иш олиб боришмоқда. Таҳлиллар вилоятда халқ хўжалиги тармоқларидаги баъзи корхона, ташкилотларнинг қисқарганлиги, тўхтаб қолганлиги, қишлоқ хўжалигида ширкат хўжалиқларининг фермер хўжалиқларига айлантирилиши натижасида иш ўринлари камайиб кетганлигини кўрсатмоқда.

Касб-ҳунар коллежларини битказган ёшларнинг аксарияти қисми ўз мутахассисликлари бўйича иш топишда қийинчиликка учрамоқда. Қиш-ўрнатининг афзалликларини ҳам тушутирмоқда-лар. Кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишдаги муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам анча ишлар қилинмоқда. Олиб борилган ётган тадбирлар натижасида аҳоли ўртасида ресурсларни тежаш, қарадорликни тугатиш ишларида сил-жишлар кузатишмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, меҳнат қонучилиги оид меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар ҳақида ходимлар билан бир қаторда, иш берувчилар ҳам етарли билим ва тушуинчага эга эмаслар. Бунинг натижаси ўлароқ,

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ИНСОН ЭҲТИЁЖИ

сўмдан сарфланди, дегани. Ўтган йилда санаторийларда 1164 нафар, санаторий-профилакторийларда 855 нафар киши, болалар оромгоҳларида 11283 нафар ўқувчи-ёшлар соғломлаштирилди. Шу билан биргаликда 111 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар аъзолари имтиёзли тарзда даволанган бўлса, 6 нафар уруш қатнашчиси ва 147 нафар байналмилалчи жангчиларнинг бир нечтаси санаторийга бепул йўлланмалар билан таъминланди. Вилоятнинг бир қатор корхона, ташкилотларида касаба уюшмаларининг ҳаракатлари тўғрисида Хомийлар ва шифокорлар йилида жамоа шартномаларига қўшимча янги тадбирлар, имтиёзлар киритилди.

садида шу йилнинг январь-феврал ойларида ҳар бир туман ва шаҳарда касаба уюшма ходимлари ва фаоллари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди.  
Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати йиғилишида курултойда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар, тақлифлар бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Қабул қилинган қарорлар асосида барча тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.  
Тадбирларда қайд қилинган масалаларнинг бажарилишини ўрганиш ва умумлаштириш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, унинг таркибига вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими, савдо-саноат палатаси бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ходимлари киритилган.

лоқ жойларидаги ишчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилади. Айниқса, бу ҳолат вилоятнинг Қўшқўйри, Янгиариқ ва Янгибозор туманларида кўзга ташланади.  
Ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш мақсадида вилоят, туманлар ва шаҳар «Бандлик» дастури ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокимининг 2005 йил 1 февралдаги қарори билан қабул қилинган «Хоразм вилоятида 2005-2007 йиллар даврида аёлларни иш билан таъминлаш дастури»да белгиланган режаларни амалга ошириш орқали ўтган йилда 10590 нафар аёл иш билан таъминланди. 2006 йилда 11919 нафар, 2007 йилда 9584 нафар аёлни ишга жойлаштириш орқали 3 йил мобайнида аёллар ишсизлигини 12,3 минг нафардан 5,1 мингга камайтириш кўзда тутилган. Дастурнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, хусусан, аёлларга хусусий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар берилиб, тадбиркорлик фаолиятини юритиш асослари бўйича ўқитилар ташкил қилинди.

вилоят касаба уюшмалари ташкилотига тез-тез ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб турибди. Кези келганда ушбу мурожаатларнинг ижобий ҳал қилинишига эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.  
Масалан, қонуний ҳуқуқлари поймол қилинган Урганч шаҳридаги 6-ўрта мактаб директори Г.Болтаева, Урганч туманидаги қурилиш касб-ҳунари коллежи ишлаб чиқариш усталари М.Матқубова, С.Қурбонова, «Хоразм — тола» МЧЖ ходими Л.Аминова, Қўшқўйри туман марказий касалхонаси ҳайдовчиси М.Қучметов каби бир нечта ходимлар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари билан бирлашмаси аралашувида сўнг суд органлари орқали ишга тикланди. Уларнинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун 420 минг сўмдан зиёд иш ҳақи ундириб берилди.  
Шу юрт, шу замин равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган инсон борки, давлат химоясида. Буни яхши англаб етган киши ватанимиз тараққиётига ушунинг муносиб қўлини қўшишга интилиб яшайди.

Жумладан, «Хива гилеми», «Гурлан» акционерлик жамиятлари, «Уздуробита» кўшма корхонаси, «Хоразмгаз», «Жанубгазқурилиш» корхоналарида бу борада қилинётган ишлар иборатга сазовордир. Фақат жорий йилнинг 6 оyi даврида жамоа шартномалари орқали иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан 1743 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларга, 1772 нафар пенсионерга, 209 нафар ногиронга, 628 нафар уруш ва меҳнат фах-

Айни пайтда жойлардаги, айниқса, маҳаллалардаги мавжуд аҳолини, улардаги муаммоларни ўрганиш, иш ўринларига бўлган талабни, уларнинг йўналишини таҳлил қилиш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг туман

Касаба уюшма ташкилотлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари аҳоли ўртасида ичимлик сувини, газни тежаш, ундан унмолли фойдаланиш мақсадида хондон эгаларига ҳисоблагичларни

эътибор қаратилган. Шунингдек, спорт ишларини ривожлантириш учун режага кўра ажратилган 900 минг сўм асосан туманларда бу борадаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштишга сарфланмоқда.  
Тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакилчилигига қарашли корхона-ташкилотлар бош ҳисобчилари ва иш ҳақи билан таъминлаш бўлимлари фаолиятини ўрганиш жараёнидаги маълумотларга кўра, меҳнат-

**Мана, чин маънодаги хурриятдан бахраманда бўлиб, қудратли демократик давлат қураётганимизга ҳам ўн беш йил тўляпти. Тарихан қисқа шу давр ичида асрга татигулик буюқ ишлар қилинди. Мамлакатимиз жаҳонга юз тўтди. Унинг бағрида оламга кўз-кўз қилса арзийдиган архитектура ансамбллари яратилди, тоғлар оша осмонлар йўллар, чўллар оша темир йўллар қурилиб ишга туширилди.**

**Юртим жамоли**  
ютуқ шуки — миллий маданиятимизни бутун борлигича ўрганиш, ҳис этиш, фахрлиниш ва ундан келажак мақсадлари йўлида фойдаланиш имконига эга бўлди. Мана сизга Истиклолнинг шарофати.  
ва драмалар муаллифи Эркин Самандар ҳам Хоразм адабий муҳитида етишиб чиққан, камол топган, кўплаб асарлари бир нечта тилларга таржима қилинган пешқадим ижодкорларимиздан биридир.



# ИСТИҚЛОЛИМ — ИҚБОЛИМ

Хоразмда рўёбга чиқарилган бунёдкорлик намуналарининг ўзи бир дунё. Қайси бирини тилга олай: Жалолиддин Мангуберди мемориал ёдгорлигини, «Авесто» мажмуини, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Аз-Замашарий истироҳатгоҳларини? Урганч-Хива: вилоятда шаҳарлараро қурилган ягона троллейбус линиясини, Урганч аэропортининг янги биносини, спорт ўйингоҳлари, ўнлаб коллеж ва академик лицейларини, замонавий таъмирланган ва тамоман қайта қурилган Урганч «Деҳқон бозори» ними? Ехуд адалат қарор топгани, кадрларимиз, бади-

ий осори-атиқаларимиз ўзини қайтиб келганимиз? Ўтмишга назар ташлаганда бугунги шукроналиқларимиз беҳиз эмаслигига амин бўламиз. Узоқ йиллар асрлар оша улуглини келган ўтмишдошларимизнинг қабрларини зиёрат қилиш имконига эга бўлмадик. Бир неча ўн йиллар мобайнида ўқуб-да қолган зиёратгоҳлар биздан оқибат қутиб, арвоқларнинг руҳлари чирқиради. Серкхтонов йўллардан юрмай қўйдик: қаровсиз қолган қадимжолар сари узалган йўллар ўт-ўланлар билан қопланиб, йиллар гарди билан қўмилди, унут бўлди.  
Шукрки, гафлат онлари мангуга чўзилмади. Анчиқ аламлар завлоридан букчаий қолган ўша табаррук қадимжолар янгидан қад ростилади; бу табаррук масканлар сари кенг ва равон йўллар тўшалди! Азиллари мизни шунчаки хотирлаш билан чекланиб қолмадик, ўтганларнинг қадрини жойига қўйишга одатландик. Халқимиз кўлга киритган буюқ

Шўро тузуми даврида тилларимизга отнинг қалласидай қулф урилган эди. Мустақиллик ана шу қулф-занжирларни ечиб, чилпарчин қилиб улуктириб ташлади. Эркин сўз айтиш ҳуқуқини берди. Илгари Хоразмда қилтоб чиқариб бўлмас, бунга рўхсат ҳам йўқ эди. Китобни пойтахтдаги нашриётларда чиқариш учун анча машаққатлар чекиш лозим эди. Нашр этиш вилоятнинг ўзинида йўлга қўйилган. Янги-янги бўлоқларнинг қўзи очилди, адабий ҳаракатга янги-янги истеъодлар келиб қўшила бошлади. Насрда қалам тейратаётган ижодкорлар сафи кенгайди.  
Ўзбек шеърияти осмонининг бугунги юлдузларидан бири ҳисобланган элдошимиз, Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти совриндори, 50 га яқин китоблар муаллифи Омон Матжон Хоразм фарзанди эканлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Таникли шоир, носир ва драматург, 30 га яқин шеърий китоблар, бир нечта роман

Хоразм адабий муҳитининг бугунги кундаги ривож ва раванқини таникли шоир ва таржимон, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, 2002 йилнинг «Энг яхши шоири» номинацияси бўйича «Фарин» мукофоти совриндори Матназар Абдулҳакимнинг самарали ижодисиз тасаввур қилиш сира мумкин эмас. Унинг файласуфона, лирик, гот бадиий етук шеърлари ва китоблари, минглаб муҳлисларнинг китоб жавонларидан ўрин эгаллаган, ўқувчиларининг севамли асарларига айланган.  
Айни пайтда вилоятда республика ёзувчилар уюшмасининг 20 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар сони йилдан-йилга ошиб, яхши-яхши асарлар яратилмоқда.  
**Ошиқ ЭРКИН,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, шоир**

**Ҳаётнинг синовлари кўп. Ногирон, ёрдамга муҳтож кишиларга, айниқса, кийин. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам бериш ҳар бир имонли инсоннинг бурчидир.**

Буни яхши англаб етган вилоят савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вакилчилигига қарашли ташкилотларда ижтимоий ҳимоя асосини ташкил этувчи жамоа шартномаларини тузиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилди.  
Шунингдек, республика бозор қўникмаларини ривожлантириш маркази, Республика СПИДга қарши курашиш маркази, тери-таносил касалликлари диспансери билан биргаликда семинар-тренинг ҳам ўтказилди.  
Ҳазорасп тумани тармоқ касаба уюшмаси вакилиги хомийлигида тумандаги ҳаж зиёратига бориб келган ҳожилар Амударё устида бунёд этилган темир йўл орқали поездда саёҳат қилиб қайтишди. Урганч туманида жойлашган «Хоспис» шифохонасида ҳеч қимий йўқ ёлғиз қариялардан 19 нафарига меҳр-муруват ёрдами кўрсатилди. Уларга жами 550 минг сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатилди.  
Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда 20- «Меҳрибонлик уйи»га 2 миллион 575 минг сўмлик спорт анжони ва кийим берилди.  
Ҳазорасп туман тармоқ касаба уюшмаси вакилиги, вилоят кенгаши билан

эътибор қаратилган. Шунингдек, спорт ишларини ривожлантириш учун режага кўра ажратилган 900 минг сўм асосан туманларда бу борадаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштишга сарфланмоқда.  
Тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакилчилигига қарашли корхона-ташкилотлар бош ҳисобчилари ва иш ҳақи билан таъминлаш бўлимлари фаолиятини ўрганиш жараёнидаги маълумотларга кўра, меҳнат-

# ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ

дан, Урганч шаҳридаги савдо корхоналари, «Хоразм-Тола» масъулияти чекланган жамияти, Урганч туманидаги «Яшнар» хусусий фирмаси, «Маҳмуд» хусусий корхонаси, «Султон-Марим» хусусий фирмаси,

## Таҳлил

Урганч шаҳридаги Гурганж МЧЖ, «Ротор» ширкати, «Мини аккумулятор» хусусий фирмаси каби қатор корхоналарни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.  
Уюшма вакилчилигига қарашли корхона ва ташкилотларнинг 117 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Келишувларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу муҳим ҳужжатлар орқали жорий йилнинг олти ойи мобайнида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши жараёнида ҳар хил имтиёзли хизматлар учун 48452,3 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган.  
Ютуқлар ўзимизники, камчилик ҳам йўқ эмас. Жумладан, Ҳазорасп, Хонқа, Гурлан туман вакилликларида жамоа шартномаларига Хомийлар ва шифокорлар йили бўйича юқори касаба уюшма органлари томонидан белгиланган тадбирлар киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин. Айрим корхоналарда Меҳнат кодексининг 159-моддаси талабларига зид равишда ходимлар иш ҳақи тўланмайдиган таътилларга чиқариб юборилган.  
Уйлаймизки, бундан кейинги фаолиятимиз давомида бу каби хатоликларга йўл қўйилмайди.

**Барча тармоқ касаба уюшмалари сингари вилоят ёқилги- энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириб борапти. «Она ва бола» кўриқ-танлови айниқса, таассуротларга бой бўлди.**

**Суратда: тармоқ касаба уюшма вакили Светлана Худойберганава голибларни тақдирлаётган пайт.**



Суратда: касаба уюшма вакили Зулфия Бобождонова чегара қўшинлари ҳарбийларига совга топширмоқда.

**Б.ИБРАГИМОВ,**  
**вилоят савдо,**  
**матлубот**  
**кооперацияси**  
**ҳодимлари ва**  
**хусусий**  
**тадбиркорлар касаба уюшмаси вакили**

**Спорт — тинчлик ва дўстлик элиши. У миллиятларни бирлаштиради, дўстлик элишларини боғлашга хизмат қилади. Инсонни соғлом қиларкан ўргатиш баробарида, жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялайди. Шунингдек, Ватан номини шарафларга буркайди.**

# ИЛДИЗИ БАҚУВВАТ ДАРАХТЛАР

мғармаси вилоят филиали томонидан ҳам жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамғарма томонидан қурилиб фойдаланишга топширилган ҳамда қайта таъмирланган ва қурилиши мўлжалланган спорт иншоотларининг 2006 йил учун маърузий дастури ишлаб чиқилиб, қурилиш ташкилотлари билан тендер танловлари ўтказилди.  
Жамғарма ҳисобидан жами 275 миллион сўмдан ортиқ пул ажратилиб, ушбу маблағ Урганч шаҳрида ҳамда Тупрок-

қалда массивида V тип болалар спорт иншооти қурилишига, Амир Темури истироҳат боғида

мактаблари учун 130 минг 900 сўмлик анжомлар, вилоятдаги маъжуд 38 та ёзги болалар оромгоҳларига 24028,5 минг сўмлик спорт жиҳозлари берилди.  
Саъй-ҳаракатлар беҳиз қилиниши йўқ. Буни вилоят ўқувчи ёшлар терма жамоаларининг халқаро ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритаётганлиқларининг ўзини кўрсатиб турибди. Хусусан, ёш-

# МУСТАҚИМЛИКНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИГА

**Вилоят** майдони 6,1 минг кв. км. Таркибда 10 та қишлоқ тумани, 3 та шаҳар, 7 та шаҳарча, 100 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Аҳолиси 1412,7 мингдан зиёд. Ўртача зичлиги 1 км.кв.га 231,6 киши. Шаҳарликлар 321,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1091 киши. Вилоят иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги муҳим ўрин тутди, пахта толаси, қалава ип, гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ускуналари экспорт қилинади. Фаолият кўрсатаётган жами қорхона ва ташкилотлар 13748 та. Микрофирмалар сони 11340 дан зиёд. 36 та қўшма қорхона ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Жами экин майдони 232,1 минг гектар. Вилоят жамоа ва хусусий ҳўжалиқларида 492,3 мингдан зиёд қорамол, 202,8 минг сигир,

247,1 минг қўй ва эчки, 1437,6 мингдан зиёд парранда боқилади. 6500 дан зиёд фермер ҳўжалиқлари чорвачиликка ихтисослашган. Вилоятдаги қаттиқ қолламали автомобил йўлларининг узунлиги 2750 км. 537 та умумий таълим мактаби, 47 та ихтисослашган мактаб, гимназия ва лицейлар бор. 57 та касб-ҳўнар коллежи, Ал-Хоразмий номидаги УрДУ ҳамда Ташкент давлат тиббиёт институтининг филиали бор. 424 та жамоат кутубхонаси, 302 та клуб, 10 га яқин маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, «Авесто» ёдгорлик боғ мажмуалари мустақиллик йилларида барпо этилган. Шу йиллар муайинида 100 дан зиёд мактаб қурилди.



## Дастуриламал ИНСОНДАН ҚОЛАДИГАНИ ЭЗГУЛИК

Навоий ҳазратлари саховатпешалик савоби ҳамда мазлумлар дуосининг ижобати тўғрисида қуйидаги байитни битган: **Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Очга борким, Қазба вайрон бўлса, обод айлагай.** Бинобарин, буюк муфаттир таъбирича, кўнгли ўқсик инсонга хурсандчилик тақдим этиши, яъни хотирини жам қилиши, қувонтириши Қазба вайрон бўлган маҳалда уни обод айламоқ ила баробардир. Сир эмаски, орамизда шифога муҳтож, аммо моддий жиҳатдан қийналиб қолаётган одамлар ҳам учрайди. Уларга кўмак бериши, дуосини олиш амали эса ҳар қанча шарафга лойиқ фазилатлар сирасига кирди. Зотан, мазлумларнинг дуоси тез ижобат бўлади, дейдилар. Шу боисми инсон этини ҳурмат қилиш, бахт-иқболи йўлида оғишмай амалга оширилаётган ишлар натижаси ўлароқ дуолар ижобатини бугунги ютуқлар замирида кўраемиз.

Инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда касабаси уюшмалари саховати бўлиши, маънавий-ахлоқий покланиши, ногиронларга, етим-есирларга хайр-эхсон, яхшилик қилиши, уларнинг кўнглини олиш, моддий ёрдам бериши, болалар уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини кўтаришга катта эътибор билан қараб келмоқда. Халқимизда «Саховатнинг етти дарвозаси бор» деган ибора бор. Бу бежиз айтилмаган. Она еримизнинг бойлиги, серқўёш ўлкамизнинг сажийлиги, халқимизнинг меҳмондўстлиги бутун дунёга маълум. Инсон болаки табиятан меҳр-эътиборга ташна ва умиддор бўлиб олади. Шунинг учун ҳам халқимизда тақдир тақозоси билан муҳтожлик гирдобига тушиб қолган кишиларга вақтида эътибор бериш одат тусига айланган. Айти пайтда вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда жадвал суратларда иш олиб бормоқда. Касабаси уюшмалари томонидан ана шу мақсадда ҳўжалик органларидан катта миқдорда маблағ ажратилишига эришилди. Шунингдек, кўп болаки 1250 нафар аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартрилди. Бунга қорамоллар томонидан 1 миллион 800 миң сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳаёт тасодифларга тўла. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланганлар ёки уларнинг оила аъзолари қонуний ҳўқуқларини ҳимоя қилиш касабаси уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Жорий йилда мурожаат қилган 17 нафар кишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Амалга оширилаётган савобий ишлар касабаси уюшмалари обрўсига обрў, нуфузга нуфуз қўймоқда. Яхшилик — инсон учун бебаҳо ҳазина эканлигига тобора ишонч ортиб бормоқда.

**Й.САЛОЕВ,**  
вилоят касабаси уюшмалари Бирлашмаси меҳнатқашларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш бўлими бошлиғи



Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан сўнгги йилларда бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Жумладан, II вилоят фарҳирийлар спартакиадаси, III аёллар спартакиадаси ўтказилди. Вилоят марказидан 300 километр узоқда — Тупроққалъа массивида жойлашган 5 та мактаб ўқитувчи-педагоглари ҳамда ногиронлар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

**Ота-боболаримиз орзу қилган жонажон Ватанимиз истиқлол йилларида нималарга эришди-ю, нималарга эришолмади, деган савол атрофида бахс юритиш учун бугун катта имкониятга эгамиз. Албатта, орзуларимиз бисёр. Аммо ютуқларимиз кўпроқ. Лекин бугун қўлга киритилган эффарларимизни санаб адоғига етиш кийин.**

**Дил сўзи**  
ётир. 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Шундан сўнг Республика-

## МЕҲР КЎРГАЗИШ БАХТ

Одамларимиз меҳнат қилишапти. Тўйлар бўлапти, хуллас, ҳаёт қайнапти. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ҳаётимизга мазмун бағишламоқда. Тўғриси айтсам, ҳали ўқувчилик пайтимадаёқ болаларни яхши кўра эдим. Айниқса, ўзгалар ёрдамига муҳтож, ногирон болаларни кўрсам, уларга ёрдам бергим келарди. Ҳатто, ота-онамдан ижозат сўраб, улардан айримларини уйга олиб келган вақтларим кўп бўлган. Мени Хивадаги 210-«Меҳрибонлик уйи»га директор этиб тайинлаганларидан бу вазифага жон, деб рози бўлдим. Ишни аввало, болалар масканини таъмирлашдан бошладим. Уни кўнглидагидек жихозлашга эришдик. Айни пайтда «Меҳрибон-

лик уйи»да турли миллат вакилларидан иборат 140 нафардан зиёд болалар истиқомат қилишапти. Бу ерда болаларнинг маънавий бой, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган инсонлар қилиб тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадда кўплаб тadbирлар ўтказилмоқда. Қатор танловларда болажонларимизнинг голибликни қўлга киритаётганликлари бизни қувонтиради. Шундай пайтда саяй-ҳаракатларим беқор кетмаётганига амин бўламан. Мустақиллик туғайли меҳнатларимиз кадр топа-

миз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлдим. Буларнинг барчаси мени гайрат-шижоат билан ишлашга ундамоқда. Илоҳим, жаннатмақом юртимизга, унинг жафокас халқига кўз теғмасин. Асрлар силсиласида тобланган юртимиз бундан-да гуллаб-яшнаверсин.

**Вера ПАК,**  
Хива шаҳридаги 210-«Меҳрибонлик уйи» директори,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

**Эл ардоқлаган инсонлар орамизда кўп. 124 ёшни қаршилаган Овадан ая Эсиметова шундайлардан бири. Юзидан нур ёғилиб турган, дуру гавҳарга тенг сўзлари билан ҳаётимизга файз бағишлаётган бу мўътабар инсоннинг ичи тўла гап. Утган умри давомида не-не яхши-ёмон кўнларни бошидан кечирмади дейсиз.**

— Оқдодий бир инсонга турмушга чиқдим. Ҳаётимиз осон кечмади. Сув келса симирдим, тош келса кемирдим. Қийин-



**Ибрат**

## ЯШАШ ҲАМ САНЪАТ

чиликларни гапирмай қўя қолай. Бир бошласам тўхта олмайман. Хуллас, 4 нафар қизни дунёга келтириб, уларни чолим билан биргаликда тарбиялаб, катта қилдик. Турмуш ўртоғимдан айрилган, фарзандларимни кам-қўстсиз ўстиришга ҳаракат қилдим. Юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлсин дедим. — **Авалдонгиз давомчиларининг ҳисобини биласизми?** — Билганда қандоқ, 40 нафардан зиёд неварам, 30 нафар чеварам ва 19 нафар эварам бор. — **Инсоннинг бахти ниманда деб ўйлайсиз?** — Аввало эр-хотин қўш ҳўксиз деганларидек, турмуш ташвишларини биргаликда, баҳамжиҳат ҳал қилиб, мустақам оила қўрғони қуриб, ҳалол ризқ билан фарзанд тарбиялаш, уларнинг камолтини кўриш ота-она учун энг буюк бахт. Аммо бунга етишишнинг ўзи бўлмайди, болам. Ҳаракатда баракат деб бежизга айтилмайди.

Ўз турмушини яшантолмаган одамнинг ўзгаларга ҳам нафи тегибмайди. — **Ектирган амалларингиз бўлса керак?** — Нимага бўлмас экан, ҳамма амал менда-да: зериксам қўлимга игна-ип олиб тикиш тикаман. Қўрьон оятларини такрорлаб, куним тоат-ибодатда ўтади. Эрта саҳарда юрт тинчлигини сўраб, қўлимни дуога очишдан чарчамайман. Шу кўнларга етишимнинг сирини ҳам шунда. Ҳаётим давомида ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни қанда қилмадим. Худода хуш ёқмайдиғанларидан йироқ юрдим. Шунинг учун дори-ломон замонларга етиб келдим. Қуриб турганимиздек, шу заманда яшаб кам бўлган йўқ. Нимакини ният қилган бўлсам ҳаммасига ҳалол меҳнатим билан эришдим. Ибрат олса арзиғулик ҳаёт кечирардим. Невара, чевара-ю, эвараларимнинг чугур-чугуридан ором оламан, уларни кўриб кўзим қувнаб, дилим яйраб кетади. Меҳнат қилиб, роҳатини кўрмаган дамларни эсласам, шу кўнларга етказганимга шўкр, дея қайта-қайта дуолар қиламан.

Ҳа, оналар дуоси дунёни сув балоси, ўт балосидан асрайди. Илоҳим, бу табаррук зотлар дуоси ижобат бўлиб, ҳаётимизни осойишталик тарқатсин. Истиқлол бай-ручи мангу хилпирайверсин. **Г.ҚУЛМАТОВА**

## Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

**Ривоятлардан бирида айтилишича, қадимда Мари деган гўшада яшаган бир подшо итоат қилмаётган кишиларни жазолаш мақсадида 40 та қўл биёбонга олиб бориб ташлашни буюрибди. Орадан йиллар ўтиб ўша саҳрода қанал қазилиб, уйлар қурилиб, боғ-роғлар, саройлар барпо бўлибди. Подшоҳ дўзах азобида ўлиб кетгани, деб ўйлаган одамлар азим шаҳарлар қуриб, бола-чақа орттириб, ҳалол меҳнат қилиб яшайтган экан.**

Шундан сўнг бу жой аввал хор бўлиб, кейин азим бўлганлар юрти, яъни Хоразм деб атала бошланган экан. Шу ўринда тиним билмас ваҳа аҳлининг ўтмиши ҳақидаги юқоридеги каби ривоятлар қанчалик ҳақиқатга яқин, билмадигу, билганимиз бу юрт фарзандлари ҳалол меҳнат, тинимсиз ҳаракат ва изланишлар эвазига чўл бағрида ажойиб маскан бунёд этган халқ эканлиги бор гап.

Мақоламиз қаҳрамони Раҳимбой ака Нуриллаев деҳқончиликни отамерос касб қилиб олган инсон. Қўшқўр туманининг Хайробоқ қишлоғида унинг ўсган. Узоқ йиллар ширкат ҳўжалигида бош хосилот бўлиб ишлаб, қишлоқ ҳўжалиги сир-асрорларини миридан сирга-чақа ўрганди.

Ширкат ҳўжалиқлари тугатилиб фермер ҳўжалиқларига айлантирилган. Раҳимбой ака ҳам ҳеч иккинчи фермерликка жазм этди. Дастлаб 80 гектар ерда экин-тикин қилиб, мўл хосил олди. Ҳар йилги даромаддан кўнгли тўлаётган фермер энди экинлар турини кўпайтириш ва ерни кенгайтиришга қарор қилди. Унинг тақлифини туман раҳбарияти ҳам маъқуллади. Шундай

нинг кўмағида озмунча муваффақиятга эришдим. Биргина ўтган йилги даромаднинг сарҳисоб қилганим бўлса, пахтадан 103 миллион, бугўйдан 40 миллион сўмдан ошди даромад олинди. 80 гектар ерга экинган аралаш экинлардан ҳам яхшигина ҳосил кўтарилди. 50 гектардаги боғдан олинган даромад ҳам чакки бўлмади. Шу йилнинг ўзида иккита «Алтай» трактори сотиб олинди. Айни пайтда 23 хил техникадан

кўлиб «Нурилло» фермер ҳўжалиги ерлари бугунга келиб 231 гектарга етди. Ҳўжалик далаларини айланар эканмиз, отахон бу ерларни хозиргидай ҳолатга келтиришнинг ўзи бўлмаганини айтиб, бунда фермер ҳўжалиғида ишлаётган 50 нафар ишчининг хизматлари катталлигини таъкидлади. Қолаверса, 13 нафар фарзандни дунёга келтириб, умр бўйи отахонга мадад бериб келаятган, уни яна-яңги ютуқлар сари ундаётган умр йўлдоши Сўнажон опа ҳақида тўқилганини гапирди. Ҳақиқатдан Хасан-Хусан, Умар-Усон каби эгиз-ўғлонларнинг айни пайтда отахонга қўшқанот бўлаётганидан қувонмай бўлар эканми!

— **Ҳаммасиям омон бўлсин. Шуларни деб яша-япмиз, ишлапмиз. Улар кўнгли шамчироғи, оила фазйи, ота-она қувончи. Қуриб турганимиздек, ҳар қайсининг ўзи ўрни, ўзи юмуши бор, — дейди отахон. Ҳа, Раҳимбой ота улар-**

унумли фойдаланилмоқда. — 50 нафар ишчини маблағ билан таъминлаш осон бўлмас керак? — дей сўрайми отахондан. — Тўғри айтасиз, уларни вақтида иш ҳақи билан таъминлаб бориш, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш бизнинг зиммасида. Шу боис ҳама иш пухта режа асосида олиб борилади. Ҳар бир ишчи 30 миң сўмдан ойлик белги-ланган. Натура ҳолида ҳам маҳсулотлар бериб борилади. Уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Фермердан хайр-саховат ишларининг бориши тўғрисида сўраганми, бу борада ийманиброқ сўз бошладим у. — Очғини, ҳомийлик қилиш ҳар кимнинг виждонига, қолаверса, хоҳишига боғлиқ

## ФАРЗАНДЛАРИ — ҚЎШҚАНОТ



Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан сўнгги йилларда бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Жумладан, II вилоят фарҳирийлар спартакиадаси, III аёллар спартакиадаси ўтказилди. Вилоят марказидан 300 километр узоқда — Тупроққалъа массивида жойлашган 5 та мактаб ўқитувчи-педагоглари ҳамда ногиронлар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.



Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.

## Улар бизнинг келажакимиз

лар ўртасида бокс бўйича халқаро турнирда терма жамоамиз 28 ғалаба ўртасида III ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Спортчиларимиздан Р.Жуманиёзов ва А.Оллабергеровлар ўз вақти тоифаларида ушбу мусобақада тенгсиз деб топишган бўлса, Б.Ҳафизов ва У.Салоевлар II ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, пойтахтда ўтказилган 1991-1993 йилларда туринг ўсимлар ўртасидаги самбо мусобақасида Ф.Раҳимов, Ж.Маширпоялар биринчи, С.Каримбергенов ва Д.Бахтиёрлар ик-

настика маркази-да бадий гимнастика бўйича 10-12 ёшлардаги қишлоқ қизлари ўртасида вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 40 нафардан зиёд ўқувчилар иштирок этиб, Янгибозор туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Нилуфар Рўзметова «Нафасат маликаси» номинацияси соҳибаси бўлди. Қўшқўрлик Селин Саттарова эса голиб деб топилди, иккалси ҳам Германияда ўтказилган халқаро

ятли иштирок этишмоқда. Алоҳида эътибор қаратмоқчи бўлганимиз 25-29 май кўнлари кўзи оғиз болалар ўртасида Наманган шаҳрида ўтказилган республика спорт мусобақаларидир. Бунда Хивадаги 121-маҳсул мактаб-интернат ўқувчилари шахматшашка бўйича 3-ўринни, енгил атлетика бўйича 5-ўринни қўлга киритишди. Айни пайтда мактаб ўқувчилари учун ёғи таълими мазмуни ташкил этиш мақсадида спортнинг 16 тури бўйича «Ёғи таътил» — 2006- спорт мусобақалари барча туман ва шаҳарлардаги мавҳуд 645 та маҳалларда ҳамда 38 та дам олиш оромгоҳларида ўтказилмоқда.

**Омонбой ЖУМАНОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори

## КЕРАК БУ ЭЛГА

кинчи ўринга сазовор бўлишди. — Урганч давлат университети спорт залига бўлиб ўтган қўл жанги бўйича республика биринчилигида терма жамоамиз бош соврин эгаси бўлди. Шахсий биринчиликлари М.Варфоев, М.Тоҳиров, Г.Болтаев, Г.Абдуллаев, К.Сапарматовлар биринчи ва иккинчи ўринларини эгаллашди. Урганч шаҳридаги «Гим-

спорт тadbирларида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Шунингдек, вилоятимиз спортчи ёшлари аробатика, футбол, волейбол, шахматшашка, оқ спорт, бадминтон, стол тенниси, қайндак эшак элиш каби қатор спорт турлари бўйича ўтказиб келинаётган республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда муваффақия-

## Соғлиғимиз қўлимизда

тиббий кўриқдан ўтишни ҳаблнга ҳам келтирмайдиганлар ҳамми ахир. Бундай бепарволик охири-охири жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Шубҳасиз, тиббиёт ходими бемор тузалиб кетиши учун билим ва тақрибасини аямайди. Аммо хасталик ўтказиб юборилган ҳолларда уларнинг

миз голиб деб топилди. Яъни ҳоджик иш умдорлиги гаровидир. Шу боис касалхона касабаси томонидан ҳодимларнинг кўнглидаги дам олишларини ташкил этиш ҳаммиша эътиборда. Касабаси уюшма қўмаси раиси Раҳматулла Раҳметов ташаббус билан оммавий тadbирлар учун 200 миң сўм, моддий ёрдам учун 140 миң сўм, жисмоний тарбия ва спорт ишлари учун 300 миң сўм ажратилди. Ҳодимлар фарзандларининг бир гуруҳи болалар оромгоҳларида дам олишди. 12 нафар ҳодим эса санаторийда ҳордик чиқариб, соғлиғини тиклаб қайтди.

Олиб борилаётган ишларда олий тоифали терапевт Отахон Юсупов, таълими бўлими шифокори Комила Жуманиёзова каби ходимларимизнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Жамият тараққий этар экан, унинг қонунчилиги, шакл-шамойилида ўзгаришлар содир бўлиши табиий ҳолдир. Аммо инсон саломатлиги ва унинг моҳияти ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам кишилар соғлиги ва манфаати бош мезон бўлиб қолаверади.

**Баҳодир ИСМОИЛОВ,**  
вилоят 1-клиник шифохонаси бош вақри

## ТАН СИҲАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

глаб етмоғимиз даркор. Халқимиз «Кўлинг, кулгу умрини узайтиради». Яхши кайфият яхшиликка, ёмон кайфият ёмонликка олиб боради», деб бежиз айтмаганам. Кулгу нафакат инсон тақдирда, балки унинг ижтимоий фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Инсон руҳини тетиклаштириб, ҳаётга муваббатини оширади, яшаш истигини қўжайтиради. Ҳа, яхши кайфият ҳар қандай кишини яшартиради, умрига умр қўлади, ишда умрини оширади, оила, жамиятда яхши муҳит яратди.

Афсуски, қўнчилик бунга эътибор қилмайди. Бирон жойи оғирмагунча

Кўш саҳифани «Ишонч» муҳбири **Роза САЙДАХМЕДОВА** тайёрлади

# ИСТЕЪДОДГА ЭЛТУВЧИ МАНЗИЛЛАР

(Боши 1-бетда)

Дилшоднинг ҳар бир ижроси юксак олқишларга сазовор эди. Унинг истеъдоди хориж мутахассислари томонидан муносиб баҳолалиб, тахсилни Парижда давом эттириш тақлифи билдирилди. Аммо хориждаги тахсил аксарият ёшларимиз тасаввурдагидек осон кечгани йўқ. Аввало, эндигина 17 баҳорни қаршилаган ёш йигитча учун ота-она бағридан олисда бўлишнинг ўзи эмас. Юртимизнинг Франциядаги элчихонаси ходимлари Дилшодга катта ёрдам кўрсатишди.

Париждаги тахсил бепул бўлса-да, у ерда яшаш учун барибир маълум миқдорда маблағ талаб қилинарди. Дилшод биринчи курсда тахсил олаётган чоғда зарур харажатларни қоплашда «Ўзбекистон» Миллий компаниясининг кўмаги катта бўлди. Ота-онани ҳам қараб туришмади. Улар авиақатнов орқали Дилшодга зарур маҳсулотларни жўнатиб туришди. Учинчи курсда эса унга омад кулиб боқди, ҳар доимгидек яна истеъдод ўз сўзини айтиди. Уша йили ўтказилган навбатдаги «Диль де Франс» мусика танловида иккинчи ўринни эгаллаган ёш ижрочи Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулд-

да ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар тавсиясига кўра мамлакат ҳукумати-нинг йиллик грантига сазовор бўлди.

Париж Миллий консерваториясини муваффақиятли якунлаган Дилшод 2004 йилда Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида, Люксембург ва Италия давлатларида, 2005 йилда эса Жазоир, Марокаш, Иордания ва Исроил давлатларида концертлар берди. Ушбу дастурлар ўзбекистонлик ёш санъаткорни янгидан янги мухлисларга таништириш билан бир қаторда Дилшодга маҳоратини яна бир қарра синовдан ўтказиш имконини ҳам туҳфа этди.

Муस्ताқил Ўзбекистон кудратини, санъату мусикага ошнолигини, шунингдек, жаҳон санъати дурдоналаридан хабардор бўлган ва уларни мухрилик билан ижро этувчи ёшлари мавжудлигини оламга кўз - кўз этган Дилшод Назаровни олдинда зафарли марралар кутаётганлигига ишончимиз қатъий. Ёш ижрочимизнинг мухлислари ва юртимиз санъат ахли бу ёш истеъдод эгасига катта умид боғлагани ҳам шундан. Зеро, истеъдод инсонни доимо ойдан ва зафарли марралар, улкан муваффақиятлар сари элтиши мукаррар.

Мақтуба Мўминова



Ромитан туманида тез тиббий ёрдам хизмати самарали йўлга қўйилган. «Хомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига асосан бир мунча қўлайликлар яратилганлиги айни мўддао бўлди. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган масканда малакали шифокорлар томонидан биринчи ёрдам кўрсатилаётди.

Суратда: доя Лола Ражабова И.ҲОЖИЕВ олган сурат.

Пойтахт аҳолисининг ўзгани яқин қилишда Мирзо Улугбек туманидаги 2519-автожамланма жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Ҳозирги кунда йўловчилар учун 70 та автобус шай. Улар жорий техник кўриқдан ўтказилиб, носозлари таъмирланди, — дейди касабани уюшма кўмитаси раиси Х.Тўрақулов. — Корхона асосан йўловчи ташиш билан шуғулланади. Шунинг учун бу ерда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, меҳнат ахлининг ижтимоий ҳимояси ҳақида ҳам бош қотирилмоқда. Мавжуд жамоа шартномасида уларнинг манфаатлари кафолатланган.

Жумладан, бош ижтимоий ҳимоя — ойлик маош ўз вақтида берилмоқда. Уртача иш

## ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛГАН ЖОЙДА ИШ УНУМЛИ БЎЛАДИ

ҳақи 140 миң сўмни ташкил этади. Қўшимча меҳнат учун ҳақ тўланмоқда. Хар бир ҳайдовчи махсус кийим-бош билан таъминланган. Бу ерда иш самардорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш бўйича қатор ишлар қилинган. Хусусан, ходимлар

техника хавфсизлиги бўйича мунтазам ўқитиб борилмоқда. Ишчилар учун ювиниш, маънавий-маърифий ва дам олиш хоналари ташкил қилинган. Жамоа шартномаси бандларига кўра меҳнат муҳофазаси

шартнома тузилиб, ишчилар ҳаёти суғурталанган. Лекин корхонада иш ҳамма вақт ҳам силлиқ кетаётгани

тадбирларига 15 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Барча автоуловлар доимий равишда техник муҳандислар назоратида. «UNIVERSAL SUGURTA» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси билан

йўқ эмас. Баъзида улар ўриндиқларни йиртиб, ноҳўра сўзлар ёзиб қўйишади. Мисол учун, яқинда назорат гуруҳи билан ўтказилган тадбирда Нодир исмили бола шундай номмакул ҳаракат устида ушланиб, интизомий чора қўрилди. Бундай қусурларни йўқотиш тўғрисида жойларда кенг тушунириш, тарғибот ва ўрашувлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Мега» ва «Амир Темури» номи маҳалла ёшлари ўртасида ана шундай тарбиявий ишлар амалга оширилди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

(Боши 1-бетда) Нихоят, Аъзамжон билан учрашдик, ҳаёти, олиб бораётган ишлари ҳусусида дилдан суҳбатлашдик. Ёши эллик икки-эллик учни қоралаган, гавдали, сочлари мошгурунч, пешонаси очикрок, оқ-сарикдан келган юмалоқ юзлари, ақл билан боқувчи кўзи қўзлари кулгуга мойил, завқ билан кулиб гапирди, шунда чиройи янада очилиб кетди. Аввалига суҳбатимиз унчалик қовшмаётгандек, суҳ-

бий кўриқдан ўтишда озми-кўпми чиқимдор бўлишавтир. Яқинда бир ёш ўқитувчининг моддий ёрдам сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқдик. Дарс соати эл қатори, маоши бинойидек. Аммо рўзғорда етишмовчиликлар бор. Нега? Негаки бу ўқитувчи фақат маошга қараб қолган. Қишлоқда яшайди, анча томорқаси бору яқин қарамайди, мол боқмайди, товуқ йўқ. Бу аҳволда қандай яшайди?! Ҳозир моюнага қараб ўтирадиган замони?! Шу ёшим-

Биз суҳбатимизни якунлаётганимизда хонага бир кампир кириб келди. «Еруғ оламни равшан қўрпалми! Сенга мингдан-миң раҳмат, Аъзамжон болам?» — деди кўзларига ёш олиб. Маълум

# ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

### ёки ўзимизнинг Аъзамжон Бозоров тўғрисида

батдошим зерикиб қолаётгандек бўлиб туюлди. Лекин гап касабани уюшмаларининг ҳаётда тугган ўрни, айрим муаммоларига бориб тақалганида, у жонланиб кетди.

— Э, нимасини айтасиз, Юртобимиз хар сафар берорга куюниб гапирмайди-лар. «Меҳнат Колексининг 157, 161-моддалари талаблари бажарилиши кўнгилдагидек эмас. Тармоқдаги ходимлар иш ҳақларини, айниқса, таълим муассасаларида «Коргоз гапирсин» деган ақидани элди эртаётганга, қорғозбозлик кўчайиб бораётганга ўхшаб туюлади. Бундақда, қилинмаган ишни ҳам қилинди деб кўрсатиш ҳеч гапмас. Шунинг учун маърузаларимда «Кунун дечор учун эмас, инсон учун» деган иборани тез-тез ишлатиб тураман. Туманимиз бўйича бирорта болалар оромгоҳи йўқ, борлари ҳам талон-тарож бўлиб кетди. Педагогларимиз тиб-

да менга нима етмайди? Қизим Фазилат — олий маълумотли ўқитувчи, ўғлим Фахриддин — ҳайдовчи, Аҳроржон — компьютерчи. Аҳмаджон ойиси Аддолатхон билан тижорат қилади. Мен ўзим ишдан ортиб томорқача қарайман. Исқонхона қурганман, кўчат етиштираман. Мева, узум мўл-кўл. Сигир, товуқ бор. Боз устига саккиз уя асалари боқаман. Аҳмадали Абдурахмонов деган ўқитувчимиз бор, ишдан ташқари вақтда тирак кўчат етиштириди, Эркинжон Умаров кўчат пайванда қилади, асалари боқди. Баҳодир Жаминов, Холиқберди Жўраев савдо билан шуғулланади. Педагог-пенсияер Мўминжон Матқаримов томорқасидан миллион-миллион даромад олмақда. Нафақат зиёлилар, қишлоқда яшайдиган хар бир хонадон ўзини-ўзи гўшт ва бошқа озиқ-овқатлар билан тўла таъминласа, ортириб бозорга чиқарса, шундагина оила мустақиллигига эришилади, чинакам фаровонлик бўлади.

бўлишича, А. Бозоров Соня Вафина деган бу пенсияер аёлнинг кўзлари кўрмай қолганда, операция қилдириш учун йўқни йўндириб ёрдам пули уюштирган экан.

Аъзамжон билан бирга хонадан чиқдик. Сайёрага сарвари кўёш ўз ётоғига шошилмоқда. Иш вақти аллақачон тугаган, кўплар уйига етиб борган. Шаҳарнинг обод кўчаларини томоша қилиб, ўтган-кетган воқеаларни эсладик, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, буюк келажак тўғрисида ширин оرزулarga ғарқ бўлдик. Мулолишга етганда, ажралишдик. Аъзамжон йўл-йўлакка бир бемордан хабар олиб, уйига кетмоқчилигини айтиди, шошилди. Уз ишининг фидойиси бўлган шундай жонқуяр одамларимиз бор экан, жаннатмакон бу юрт завол топмайди, авлодларга бахтиқол эш бўлаверади.

Мамасоли АБДУРАХМОНОВ, Наманган вилояти



... шундай пайтлар бўладики, кутилмаган харидлар бизга қувонч бахш этади

Ипотекабанк пластик картчалари - бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Картчани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари тақлиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 13000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган WWW.IPOTEKABANK.UZ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

Мамлакатимизда келажакимиз эгалари — ёшларга алоҳида эътибор қаратилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Айни пайтда Бекободдаги тиббиёт коллежи ана шу қонун ва дастур асосида фаолият юритмоқда. Билим маскани асосан ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда талабалар учта йўналиш — ҳамширалик, акушер-гинеколог ва тиббиёт - профилактика соҳалари бўйича тахсил олишавтир. Уларга 75 нафар малакали ва тажрибали мутахассис - мураббийлар билим беришмоқда.

Ман, 30 йилдирки, вилоятнинг чекка ҳудудларидан бўлган Бекобод шаҳри ва тумандаги 6 та йирик марказий шифохона, туғруқхона ва 3 та поликлиника учун малакали мутахассислар тайёрлашда ўқув масканининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда ўтган давр мобайнида 7 миң нафар ўғил- қиз тиббиёт сирларини ўрганишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, коллежда барча ўқув ва таълим-тарбия ишлари замон талаблари даражасида ташкиллаштирилган. Хусусан, талабаларнинг билим олиш даражасини ва ўзлаштиришини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда мониторинг ўтказиб борилмоқда. Улар олган билимларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодини юзага чиқариш учун фан олимпиадаларида фаол қатнашмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, талабаларнинг билим олишлари учун ўқув масканида барча имкониятлар яратилган. Жумла-

дан, бу ерда 2 та компьютер хонаси, 23 та фан ва лаборатория хоналари та-

ўринли шинам ошхона, тиббиёт хонаси фаолият кўрсатяпти.

Бу ерда иқтидорли ёшлар билан ишлаш маркази ташкил этилган бўлиб, унга коллеж раҳбарининг ўқув ишлари бўйича муовини М.Баратов раҳбарлик қилаётди. Аёлчи ўқувчиларга маъмурият томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, мунтазам равишда рағбатлантириб келинмоқда.

Ўқув масканида тахсил олаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари маъмурият томонидан оталиққа олинган

Коллежда 600 нафардан ортиқ вояга етмаган ўсмир тахсил олади. Туман ички ишлар бўлими, прокуратура ва диний идора ходимлари тақлиф этилиб, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва ҳуқуқбузарлик каби ҳолларнинг олдини олиш бўйича тез - тез давра суҳбатлари ўтказиб турилибди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 45 та тўрага фаолияти йўлга қўйилган.

Жамоада ўз соҳасининг фидойилари кўплаб топилади. Фароғат Тошмухаме-

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР - КОМЛЕЖ КЎЗГУСИ

лаб даражасида жиҳозланган. Ён-атрофга кўплаб манзарали дарахт экилиб, гулзорлар барпо этилган бино хуснига хусн қўшиб турибди.

Ўқув маскани бой кутубхонага эга бўлиб, бу ерда 18 миң нуска турли илмий ҳамда бадий китоблар мавжуд. Кутубхонада «Ўзбекистон: кеча, бугун, эртага», «Жаҳонга машур аждодларимиз», гиёҳвандлик ва ОИТС га қарши кураш бўйича «Чоҳ ёқасидилар» номи бурчаклар ташкил этилган. Унинг қошида 50 ўринли кинотехна мавжуд бўлиб, китобхоналар билан доимо гавжум. Бундан ташқари, коллежда 80 бўлиб, уларга доимий равишда кўмак бериб келинаётди.

Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовор. Кенг ва шинам спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари улар ихтиёрида. Кўпгина спорт турлари бўйича талаба-ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказиб туриш одат тусига кирган.

Маънавий-маърифий ишлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Бу ерда «Сиз тарихни биласизми», «Аждодларимиз мероси», «Ўзбекистон қўшиқ байрами» каби кўрик-танловлар тез-тез ўтказилади.

дова, Муруват Қосимова, Машура Нурматова каби мураббийлар шулар жумласидандир.

— Ўқув масканида муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди коллеж директори Абдувосит Юнусов. — Жумладан, коллеж шаҳар ҳудудидаги урта бинаода жойлашган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолат баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу бонис, шаҳар ҳокимияти томонидан янги коллеж биноси қуриш учун марказий шифохона ёнидан майдон ажратилди.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири

**Ishonch** МУАССИС: Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7556 E-mail: ishonch.doverie4@mail.ru Буюртма Г— 1014

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Гаёта ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.30